# «ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ»

## фанидан

# ДАСТУР


**Тузувчилар:** доц. М. Примов.

**Тақризчилар:** проф. М. Куранов,
доц. Ф. Бабашев.


**Аннотация**

Ушбу «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат»фани бўйича дастурда педагогик жараённинг долзарб муаммолари қамраб олинган, айниқса магистрларда педагогик маҳоратни шакллантириш имкониятларига асосий эътибор қаратилган.

Дастурда педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат жараёнларининг қонуниятлари, усуллари, хусусиятлари атрофлича ёритилган.

В этой программе по предмету «Педагогические технологии и педагогическое мастерство» определены основные направления педагогического мастерства в образовании.

В программе раскрыты принципы педагогических технологий и педагогического мастерства, современные методы педагогических технологий и педагогического мастерства и их особенности.

In this programme in a subject «The new pedagogics technologies and education skill» were defined main direction of the new pedagogics technologies and educational skill in the formation.

In programme are opened the principles of the new pedagogics technologies and pedagogical skill, modern methods of pedagogical craftsmanship and its particularly.

Дастур Тошкент молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинганган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

### Ўқув фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Иқтисодиёт олий ўқув юртларида иқтисодчи - магистрларни тайёрлаш учун «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанини ўрганиш бениҳоя зарурдир. Чунки ҳар қандай касбни эгаллаш учун унинг сирларини мукаммал эгалламоқ зарур.

«Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанида педагогик фаолиятнинг моҳияти, энг қулай, самарали усул ва воситалари мажмуи акс эттирилган. Фанни ўрганишнинг асосий мақсади магистрларга педагоглик касбининг асосий моҳиятини моҳирлик билан эгаллашга қаратилган.

### Ўқув фани бўйича билим, кўникма ва маҳоратларга талаблар

Магистрлар педагоглик касбининг моҳияти, қонуниятлари ҳамда функцияларини яхши билиши ва педагогик маҳорат сирларини чуқур эгаллаши талаб этилади.

«Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанини самарали ўрганиш учун магистрлар фалсафа ва фан методологияси, илмий ижодиёт методологияси, педагогика ва психология, молия, кредит, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳаларига алоқадор бўлган фанларни мукаммал ўрганмоқлари ҳамда улар асосида педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат методикасини кенг миқёсда эгалламоқлари керак.

**Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар**

«Педагогик технологиялар ва педагогикмаҳорат» фани бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўказишда педагогика, психология ҳамда молиявий фанлар дастурларидан, “Интернет” тармоғида жойлашган информацион банклардан, тарқатма маълумотлардан фойдаланиш, фаннинг замонавий муаммоларини ўз ичига олган мавзулар асосида рефератлар тайёрлаш ва ҳоказолар.

**Соатлар ҳажми бўйича тавсиялар**

Намунавий ўқув режада мазкур курсга 60 соат ажратилган. Уларнинг 20 соати маъруза, 10 соати амалий машғулот, 10 соати семинар машғулотларидан, 20 соати мустақил таълимдан иборат. Мазкур курсни ўзлаштириш натижасида магистрлар педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат соҳасида билим ва кўникмаларига эга бўладилар.

**Магистрлар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

«Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанидан магистрлар билимини назорат қилиш икки марта ЖБ, икки марта ОБ, бир марта ЯБ ўтказилади. Якуний баҳолаш қисқа ёзма иш ёки тест сўровлари шаклида ўтказилади.

**Компьютер, информацион ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларни қўллаш**

Дарсларда «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фани бўйича кўргазмали ўқув қўлланма, тест намуналари.

**Ўқув дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

Барча магистратура мутахассисликлари бўйича «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фани намунавий ўқув режаси бўйича 3 - семестрда ўқитилади.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фанининг предмети ва усуллари

«Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанларини вужудга келишидаги омиллар. Мутахассислик фанини билиш. Ўқитиш усуллари - тушунтириш, сўраш усулларидан хабардор бўлиш, ўқувчилар мустақил ишлашини ташкил этиш. Педагогик таъсир усуллари, жамоа билан ва алоҳида ўқувчилар билан ишлаш усулларини билиш.

Педагогика, психология ва нотиқлик санъати - педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари сифатида.

*Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратда умумий ва махсус усуллар.*

Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фанининг магистрлар мутахассислик малакасини шакллантиришдаги ўрни.

### Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг психологик ва педагогик асослари

Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат жараёнлари ва ўқитувчи психологик тайёргарлигининг боғлиқлиги.

Билиш жараёнлари ва олий нерв фаолияти. Педагогик фаолиятда олий нерв фаолиятининг қонуниятлари. Ўзаро индукция қонуни, агарда бош миянинг бирор бир участкасида қўзғалиш содир бўлса, унда бошқа участкаларида тормозланишнинг рўй бериши.

Ўзаро индукция қонунини тушунтиришда шартли рефлекслар. Дастлабки нерв қўзғалишининг бош мия ярим шарлари пўстлоғида тарқалиши. Қайта такрорланишларда эса дефференциал тормозланиш содир бўлиши: шартли рефлекс дифференциаллашуви. Бош мия ярим шарларининг бир участкаси қўзғалиш ҳолатида бўлганда, бошқа участкаларда салбий индукция таъсирида тормозланиш жараёни содир бўлиш.

Иррадиация ва ўзаро индукция таъсирида нерв жараёнларида қўзғалиш ва тормозланишни алмашинуви.

*Педагогик маҳоратда диққат ва ўзаро индукция қонуни.* Материални ўзлаштиришда талаба диққатини жалб эта олиш. Диққатнинг жалб этилмаслиги талаба онгида тормозланишга олиб келаши.

Динамик стереотип қонуни. Бош миянинг бирор участкасида тез - тез, доимий қўзғалишлар ҳосил бўлганда, бошқа участкаларида худди шундай доимий тормозланиш ўчоқлари ҳосил бўлиши - қўзғалиш ва тормозланиш ўчоқларининг барқарор тақсимланишини рўй бериши.

Агарда талаба бирор - бир предмет, фан билан доимо, мунтазам шуғулланса, унда бош миянинг муайян участкаларида барқарор боғланишлар, доимий тайёргарлик, енгил қўзғалувчанлик содир бўлиши.

Аксинча, жараён. Агарда ўқувчи бирор - бир предмет, фан билан доимо шуғулланмаса, унда бош миянинг ушбу участкаларида тормозланиш ўчоқлари ҳосил бўлиши, талабанинг қолоқлашуви, билимлар, тасаввур этиш, қизиқиш ва хотира тезкорлигининг пасайиши.

Динамик стереотипни ўзгартиришнинг жуда қийинлиги. Уни ўзгартиришда ирода, қатъиятлилик, мақсад, бартараф эта олиш қобилияти, кўплаб машқлар бажариш, доимий куч сарфлаш зарурлиги.

*қшликда динамик стереотипнинг нисбатан енгил ҳосил бўлиши ва ўзгариши, катта ёшда ўзгаришнинг оғир кечиши, жуда кўп куч сарф этиш талаб этилиши.*

**Талабалар билиш фаолиятининг баъзи бир жиҳатлари**

Талабаларнинг ўрганишфаолиятидаги қайта такрорланувчи, репродуктив билиш. Назарий материални ўзлаштириш ва топшириқларни ечиш, олинган билимларни амалиётда белгиланган намунада ёки хатти - ҳаракатлар алгоритми асосида қўллаш.

Талабаларнинг *ижодий билиш фаолияти.* Назарий материални ўзлаштириш жараёни ва мустақил изланиш, олдиндан кўра билиш ва прогноз қилиш элементлари асосида амалиётда билимларни қўллаш бўйича топшириқларни ечиш.

Талабалар ўқув - билиш фаолиятига мос ҳолда икки турдаги ахборотлар: репродуктив ва прогноз ахборотлари.

Репродуктив ахборот - талаба томонидан тайёр ҳолда ўзлаштириладиган ахборотлар сифатида. Келиб тушаётган ахборотнинг талаба онгида қайд этилиши ва уни нутқ амалиётида қайтарилиши.

Прогноз ахборотлари - талаба томонидан ўқув материаллари келиб тушгунга қадар яратиладиган ахборотлар сифатида. Бунда талабанинг ушбу билимларни яратиши, уни ишлаб чиқиш йўлларини онгида ва ўз ташқи

нутқида қайд этиши, сўнгра ўз билимларини аниқлаштириб бўлгач, бу билимларининг тўғрилигини эталон намуна билан таққослаши.

*Прогноз коэффициенти.* Бутун ахборот тайёр ҳолда ўзлаштирилганда прогноз коэффициентининг нолга яқинлашуви, ахборотнинг ярмини изланишлар асосида тингловчилар яратишганда прогноз коэффициентининг 50% ни ташил этиши ва ошиб бориши қонунияти.

Материални олдиндан яратиш босқичлари: тавсифлаш, тушунтириш, қоидаларни келтириб чиқариш ва уларни амалиётда қўллаш тартиби, ғояларни ифодалаш, уларни маъно ва мазмун жиҳатидан тартибга солиш.

**Педагогнинг профессионал позицияси, шахсий фазилатлари ва педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

Педагогнинг профессионал позицияси - ўз касбининг мақсадини англашдан чиқадиган хулқ - атвор сифатида. Профессионал позиция турлари қуйидагилар:

- - биринчи позиция - масофавий: «узоқ», «яқин», «бирга».
- - иккинчи позиция - мавқе даражасига кўра: устун қўйиш, қуйи тутиш, ҳамкорлик.
- - учинчи позиция - фаолиятда эгаллаган ўрнига кўра: «олдинда», «орқада», «биргаликда».

Педагогга қўйиладиган талаблар: ишчанлик сифатлари, шахсий сифатлар, педагогик маҳорат.

Ишчанлик сифатлари. Ишда мақсадга интилиш, ташкиллашганлик, талабчанлик, конкретлилик, ишчанлик, мунтазамлилик, қатъиятлилик.

*Шахсий сифатлари.* Фуқаролик позицияси, ахлоқий софлиги, принципиаллик, қшлар ва педагогик фаолиятни севиш, педагогик маром (такт), педагогик кўтаринкилик, ишга ижодий ғндашиш.

Педагогик маҳорат - педагогик эътиқодларга таянган педагогик малакаларнинг юксак даражаси сифатида.

Педагогик маҳорат кўрсаткичлари тўғрисида умумий тушунчалар. Педагогик маҳорат кўрсаткичлари.

Педагогик йўналганлик. Инсоннинг ўз - ўзини мукаммаллаштиришга интилиши, ўзгаларни тушунишга интилиш, ҳамкорликда ишни ташкил этишга қизиқиш, ўз - ўзини кўрсатишга интилиш.

Профессионал билимлар. Психология. Педагогика, муайян фан. Муайян фанни ўқитиш методикасини билиш.

Педагогик қобилиятлар. Муомалалилик. Кузатувчанлик. Эмоционал барқарорлик. Прогноз қила олиш.

Педагогик техника. Нутқ техникаси. Пантомимика техникаси, ўз - ўзини созлай олиш техникаси. *Ташкилотчилик техникаси, педагогик таъсир техникаси, контакт ўзаро таъсир техникаси.*

**Педагогик технологиялар асослари.**
**Мақсад ва вазифаларни лойиҳалаштириш**

Анъанавий ўқув жарағнида мақсадларни қўйиш: ўрганилағтган мазмун орқали мақсадларни белгилаш, педагогик фаолият орқали мақсадларни белгилаш, таълим олувчиларнинг ўқув фаоллиги орқали мақсадларни белгилаш.

*Идентификациялашган ўқув мақсадлари.* Ўқув натижаларининг турли даражалари: асосларни ўзлаштириш, асосларни ўзлаштиришдан маҳоратни эгаллашга ўтиш, материални ўзлаштиришдан маҳорат билан эгалланадиган тўлиқ эгаллашга ўтиш. Б. Блумнинг ўқув мақсадлари таксономияси.

**Маҳсулдор (продуктив) ва ижодий - изланувчанлик даражасида ўзлаштириш учун педагогик технологиялар**

Аниқ белгиланган ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган машғулот таркиби. (Р. Ганье, Л. Бриггсу, А. Ромишевски, Келлер усуллари). Ўқув жарағнини «Кашф этиш орқали таълим бериш» усули воситасида ташкил этиш модели. Контекст таълим технологияси: Талабалар ўқув фаолияти жарағни мазмунини мутахассислар касб - ҳунар фаолиятининг шакллари ва усуллари мазмунига максимал даражада яқинлаштириш. *Амалий ўйинлар.* Машғулотларни ўтказишдаги ғндашувлар вариантлари.

**Аналитик тафаккурни ривожлантириш усулида таълим бериш асослари.**
**Аналитик тафаккурни ривожлантириш усуллари**

Аналитик тафаккурнинг очиқ ва демократик жамият тамойилларига мослиги. «Аналитик тафаккурни ривожлантиришдаги ўқиш ва қзиш» лойиҳасининг асосий тамойиллари. Ўқув жарағнида аналитик тафаккурни қўллашнинг 3 та босқичи: чақириқ, англаш, мулоҳаза юритиш.

Чақириқ: мавжуд билимлар даражасини аниқлаш, таълим олувчиларни фаоллаштириш.

Англаш: Билимларни мустаҳкамлаш ва ўз тасаввурларини кайта қуриш.

Мулоҳаза юритиш: Янги ўқув материалини тушунишни таъминлаш. *Рефлекс.*

Ўқитувчининг махсус саволлари: Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш инструментлари. «Ахборотларни йиғиш»да синквейн усули. Ахборотларни кенгайтиришда кластер усули. Матн билан «инсерт» усули ёрдамида ишлаш. *Ижодий ва ностандарт тафаккурни ривожлантиришда "тафаккур бўрони" ва мунозара усулларидан фойдаланиш.*

**Аналитик тафаккурни ривожлантиришдаги янги усуллар**

Т - схема усули. Таққосланадиган иккиламчи маълумотларни универсал график ташкил этувчи. «Кубик» усули. Ҳамкорликдаги таълим олиш ва унинг афзалликлари. Ҳамкорликда таълим олишнинг асосий элементлари: ижобий, ўзаро боғлиқлик, бевосита қўллаб - қувватловчи ўзаро таъсир, индивидуал ҳисобот, шахслараро муомала кўникмалари. *«Зигзак» - 1 ва «Зигзак» - 2 усуллари.*

**Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялардаги усуллар асосида янги материални тушунтириш**

Янги материални тушунтиришнинг учта усули: ахборот - репродуктив усул, тушунтириш - репродуктив усули, муаммоли таълим бериш.

Ахборот репродуктив усули. Ўзлаштиришнинг биринчи даражаси сифатида, ўқитувчининг талабаларга фактлар, қоидалар, қонунлар, воқеалар, асарлар мазмуни, биографик маълумотлар, саналар, формулалар, теоремалар тўғрисида маълумот бериши. Талабанинг вазифаси - фактик материални эслаб қолиш, уни тушуниш, қайтара олиш.

Ахборот - репродуктив усулда материални тушунтириш шакллари: ҳикоя, маъруза, дарсликдан ўқиб бериш, асарлардан парчалар, предметлар, схема, расмлар, ўқув фильмларини кўрсатиш.

Тушунтириш - репродуктив усули. *Фактларни тушунтиришда уларнинг сабаб - оқибат алоқаларини очиб бериш.* Талабаларнинг ўқитувчи тушунтираётган воқеани фақатгина тушунибгина қолмасдан, балки уларни тушунтира олиши, изоҳлай олиши, моҳиятини очиб бера олиши.

Тушунтиришнинг талабалар дунёқараши, тафаккури ва оламга онгли муносабатини ривожлантириш.

Талабалар тинглашини фаоллаштиришда муаммоли таълим.

Муаммоли таълимнинг характерли белгилари. Ўқитувчи томонидан исботланиши, ечилиши ва тушунтирилиши лозим бўлган муаммо (савол, ғоя, қоида) илгари сурилиши.

Талабалар томонидан гипотезалар (тахминлар, ечимлар, ечиш усуллари) илгари сурилиши.

Гипотезаларнинг исботланиши ва асосланиши (тушунтирилиши, мисоллар келтирилиши, тажрибаларда кўрсатилиши, адабиётлар ўрганилиши, қўшимча материаллар ўрганилиши, теоремалар ва тадқиқот натижаларини жалб этилиши).

Муаммоли таълим усуллари.

Ўқитувчининг ўзи муаммони ўртага қўйиши ва сўнгра уни ўзи ечиши. Талабаларнинг бу жараённи мулоҳазалари билан кузатиб туриши, талабаларнинг бу жараёнда қандайдир даражада иштирок этиши.

Талабаларни муаммоли таълимдаги изланиш ишларига қисман жалб этиш. Изланиш ишларида қисман иштирок этиш фақатгина талабалар фаоллигини оширмасдан, балки тафаккур билан ишлаш кўникмаларини ривожлантириши ва керакли натижаларни таъминлаши.

*Изланишнинг тўлиқ мустақил усули*. Талабанинг бу жараёнда мустақил хулоса қилиши, таҳлил қилиши, ностандарт вазифаларни ечиши, тажрибалар ўтказиш асосида хулосалар қилиши, биринчи манбаларни, махсус адабиётларни ўрганиб, булар асосида докладлар, тезислар, рефератлар тайёрлаши.

Ўқитувчининг бу жараёнда ташкилотчи сифатида иштирок этиши, талабаларнинг эса мустақил ишлаши. Изланишнинг тўлиқ мустақил усулини ҳар доим қўллаш ножоизлиги. ИТМУ учун муайян тайёргарлик кўникмасига эга талабалар, материалнинг мос келишлиги, база (приборлар, адабиётлар) талаб қилиниши.

## Маърузани ўтказишда педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар асосидаги усуллардан фойдаланиш

Маърузанинг китоблар, манбалар кам бўлган даврда билим олишдаги етакчи усул бўлганлиги.

Маърузанинг ҳозирги кундаги аҳамияти. Маърузада ўқитувчининг бир нечта ролларда чиқиши:

- - олим сифатида, ҳодиса ва фактларни кўриб чиқувчи ва уларни таҳлил этувчи;
- - педагог сифатида, дунёқараш, ишга муносабатни тарбияловчи ва ўқитишнинг замонавий усулларидан фойдаланувчи;

- - нотиқ сифатида, тингловчиларни тарғиб этувчи ва уларни ишонтирувчи;
- - психолог сифатида, аудиториянинг бутун руҳиятини ва ҳар бир тингловчи руҳиятини ҳис эта олувчи.

*Маърузанинг функциялари.* Ахборот (ўқувчиларга зарурий маълумотлар бериш), рағбатлантириш (мавзуга қизиқиш уйғотиш, бошқа манбаларни ўрганишга чақириш), тарбиялаш ва ривожлантириш (ҳодисаларга баҳо бериш, тафаккурни ривожлантириш) функциялари.

Маърузанинг асосий жиҳатлари.

Ташкилий жиҳатлари. Соатлар миқдори, маъруза ва семинар машғулотлари нисбатини аниқлаш.

Дидактик жиҳатлари. Маъруза режасини ишлаб чиқиши, маъруза турини танлаш (кириш, обзор, муаммоли, умумлаштирувчи) кўргазмали воситалар намойиш этиш, аудитория даражасини ҳисобга олиш.

Услубий жиҳатлари. Алоҳида маърузаларни ишлаб чиқиш, ўқув ва тарбия вазифаларини қўйиш, конкрет материални танлаш, мантиқий аппаратни аниқлаш, экспериментни намойиш этиш услубини ишлаб чиқиш, кўргазмалилик, техник воситаларни қўллаш, амалиётдан фактлар киритиш, маърузанинг семинар ва амалий машғулотларда акс этишини ҳисобга олиш.

Маърузанинг таркибий қисмлари: кириш қисми, материални баён этиш, хулоса, саволларга жавоблар.

Кириш қисми. Мавзуни эълон қилиш, вазифаларни ифодалаш, муаммони қисқа тавсифлаш, саволлар ҳолатини ёритиш, маърузага адабиётларни айтиш, ўтган машғулотлар билан алоқасини кўрсатиш.

Материални баён қилиш. Фактларни таҳлил қилиш, керакли ахборотларни келтириш, шаклланган тажрибани таҳлил қилиш, маълумотларни қаердан излаш кераклиги тўғрисида ахборот бериш, ўз позициясини эътироф этиш, мавжуд амалиёт ва илмий тадқиқотларга баҳо бериш, амалиёт ва ҳаёт билан боғланишини кўрсатиш, ривожланиш истиқболларини очиб бериш, ушбу масала бўйича илмий изланишларни кўрсатиш.

Хулоса қилиш. Асосий хулосалар берилади, келгусидаги мустақил ишларга услубий маслаҳатлар бериш.

Саволларга жавоб бериш.

Маъруза турлари ва уларни ўтказиш усуллари.

Маърузаларнинг типлари.

Умумий мақсадларга кўра: тарғибий, ташвиқот, тарбиялаш, ривожлантирувчи.

Мазмунига кўра: академик, оммавий.

Дидактик вазифаларига кўра: кириш, жорий, якуний - умумлаштирувчи, установка берадиган ва обзор.

Таъсир этишига кўра: ҳиссиётларга таъсир этиш даражасидаги, тушуниш даражасидаги, эътиқодлар даражасидаги.

Маърузани етказиб бериш шакли:

- - товушларнинг ўрни;
- - мимика ва жестлар;
- - репетиция қилиш (ойна ва магнитафон олдида) соатлар билан ўлчаган ҳолда, бутун мавзуни ёки унинг алоҳида қисмларини машқ қилиш.

**Аудиторияни ташкил этиш.**

Маърузани бошлаш: мавзуни эълон қилиш, унинг аҳамиятини мотивлаштириш, маърузанинг мақсад ва вазифаларини аниқ ажратиб кўрсатиш, ўқувчилар дафтарига мавзу, режа ва адабиётларни ёзиб олишида ёрдам бериш.

Маъруза ўқишда риоя этилиши лозим бўлган қоидалар. Режа бўйича ўқиш. Дарсликда яхши ёритилмаган қисмларни алоҳида ажратиб конспектлаштириш, ҳар бир саволни интонация билан ажратиб кўрсатиш, ҳар бир саволда асосийларни (эслаб қолиш лозим бўлганларни), иккинчи даражалиларни (намойиш этиш учун), қизиқарли ва қизиқарли эмасларни (қизиқарли кўрсатиш), қийин ва оддийларни (аҳамият бериб кўрсатиш) ажратиб кўрсатиш, атамаларни аниқ талаффуз этиш ва доскага ёзиш, ҳар бир ҳақиқатни ҳар бир талабага етиб боришига эришиш, аудитория реакциясини ҳис этиш ва тушуниш, маърузанинг ҳар бир кичик қисмидан сўнг иложи борича тескари алоқа тамойилидан фойдаланиш.

## 3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

### Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат фаннинг предмети

Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат омиллари. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари.* Иқтисодиёт ва молия фанларида педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.

**Педагогик технологиялар ва педагогик маҳоратнинг психологик - педагогик асослари**

Ўқитувчининг психологик тайёргарлиги. ОНФ да ўзаро индукция қонуни. Динамик стереотип қонуни.*

**Репродуктив ва продуктив билиш жараёнлари**

Репродуктив билишнинг афзалликлари ва камчиликлари. Продуктив (прогноз) билишнинг афзалликлари ва камчиликлари.* Прогноз коэффициенти.

**Педагогнинг профессионал позицияси**

Профессионал позиция турлари ва хусусиялари.* Педагогнинг ишчанлик ва шахсий сифатларга қўйиладиган талаблар.

**Педагогик маҳорат кўрсаткичлари**

Педагогик йўналганлик.* Профессионал билимлар. Педагогик қобилиятлар. Педагогик техника. Маҳорат кўрсаткичларини эгаллаш кўникмаларини шакллантириш.

**Янги педагогик технологияларда ўқув мақсадининг ўрни ва роли**

Анъанавий педагогика ва педагогик технологияларда ўқув мақсадининг фарқи.* Педагогик технологиядаги умумий, хусусий ва алоҳида ўқув мақсадлари. Таълим жарағнида умумий, хусусий ва алоҳида мақсадлар ўртасида узвий мантиқий, педагогик, психологик боғлиқликни таъминлаш тамойиллари.

**Ўзлаштиришнинг самарали (продуктив) ва ижодий изланувчанлик даражасида педагогик технологиялар**

Р. Ганье ва Л. Бригес самарали таълим мазмуни ва шакли ҳақида. Самарали таълимда тафаккурни шакллантирувчи асосий мотивлар.* Ижодий ўзлаштиришнинг Дж. Кероли ва И. Блум технологияси. Ўқув ахборотларини бағн қилишда ўқув қўлланмаларидан, дарсликлардан фойдаланиш. Кундалик ўқув материалларини ўзлаштирилганлигини баҳолаб бориш.

**Аналитик тафаккур усулида таълим бериш асослари ва аналитик тафаккурни ривожлантириш усуллари**

Аналитик тафаккурнинг очиқ ва демократик жамият тамойилларига мослиги.* Ўқув жарағнида аналитик тафаккурни қўллашнинг чақириқ, англаш, мулоҳаза юритиш каби босқичлари.

Таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқариш инструментлари. “Ахборотларни йиғиш”да синквейн усули.* Ахборотларни кенгайтиришда кластер усули.* Матн билан “инсерт” усули ёрдамида ишлаш.* “Натижаларни билиш” қоидаси.

Янги мавзуни тушунтириш Мавзуни тушунтиришдаги анъанавий усулнинг хусусиятлари афзалликлари, камчиликлари. Муаммоли таълим хусусиятлари.* Муаммоли таълим усуллари. Материални тушунтириш усуллари.

**Маъруза дарсларини ўтиш техникаси**

Маърузада ўқитувчининг роллари. Маърузанинг функциялари. Маърузанинг ташкилий, дидактик, услубий жиҳатлари.* Маърузанинг таркибий қисмлари. Маърузаларнинг типлари. Маърузани амалга ошириш.

## 4. ИНФОРМАЦИОН - ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Кўргазма - намойиш материаллар рўйхати:

- - «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанининг амалиғт билан боғлиқлигини намоғн қилувчи схематик плакат
- - «Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат» фанининг илмий тадқиқот усуллари кўрсатилган плакат.
- - Таълим мазмунини ташкил қилувчи таълим тамойиллари кўрсатилган кўргазмали плакат.

Ўқув фильмлари рўйҳати (интернетдан олинади)

e - mail: sales @ piter - press.ru

e - mail:piter - t @ lincom.kharko. ua

e - mail:root@ top - book.nsk.su

e - mail:postbook@ piter - press.r

Дидактик материаллар рўйҳати; мультмедик иловалар.

Маъруза матнлари бўйича тарқатма материаллар.

Амалий машғулотлар мавзулари бўйича тарқатма материаллар.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат турлари:

Жорий баҳолаш учун:

- - семинарнинг машғулот саволларига қзма жавоблар тайғрлаш;
- - баҳс - мунозараларда қатнашиш;
- - тест варианларига жавоблар бериш;
- - рефератлар қзиш.

Оралиқ баҳолаш учун:

- - маъруза дарсларига қатнашиш;
- - маърузалар мазмунини қзиб бориш;
- - маъруза дарсларида фаол саволлар ва жавоблар билан қатнашиш.

Якуний баҳолаш учун:

кафедрада тасдиқланган фан варианти саволларига қисқа "қзма иш" ни бажариш ёки тест саволлари, вариант саволларига жавоб бериш.

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
10. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т.: Ўзбекистон, 2002.

12. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ, 1997.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ахлидинов Р. Ш. Управление образованием в Узбекистане: проблемы, поиски, решения. - Т.: 1999.
2. Беспалько Б. Слагаемые педагогической технологии. - М.: Педагогика, 1999.
3. Всемирная декларация о высшем образовании для XXI века: подходы и практические меры. –Париж, 1998.
4. Ливер Бетти Лу. Обучение всего класса. Перев. с англ. М.: 1995.
5. Мавлонова Р, Тўраева Ж. Педагогика. Т.: Ўқитувчи, 2001.
6. Основы профессиональной педагогики, - М.:1997.
7. Педагогика. (А.Мунавв아ровнинг умумий таҳрири) - Т.: Ўқитувчи, 1996.
8. Подласый И. П. Педагогика. Новый курс. - М. : 1999 .
9. Пидкасистый П. И, Фридман Л М, Гарцков М. Г. Психолого - дидактический справочник преподавателя высшей школы. - М.: 1999.
10. Профессиональная педагогика: Учебник для судентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям.

    М.: Профессиональное образование, 1997.

11. Психология и педагогика /Под ред. А.А. Радугина - М.: Центр,1999.
12. Психология и педагогика: учебное пособие. /Под ред. В.М.Николае нко - МИФРА/ - М.: Новосибирск, 1999.
13. Равен Джон - младший. Педагогическое тестирование: проблемы, заблуждения, перспективы. Пер. с англ. - М.: 1999.
14. Стефановская Т. А. Педагогика: наука и исскуство. Учебное пособие. - М.: Совершенство, 1998.
15. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии - М.: 1998.
16. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. Санкт Петербург, 1996.
17. Сластенин В. А., Подмова Л. С. Педагогика: Инновационная деятельность. - М.: 1998.

18. Фарберман Б. Л, Мусина Р. Г., Ф. А. Джумаева. Олий ўқув юртларида ўқитишнинг замонавий усуллари. - Т.: 2002.
19. Фарберман Б. Л. Илғор педагогик технологиялар. - Т. : Фан, 2000.
20. Фарберман Б. Л, Р. Г. Мусина, Ф. А. Джумаева. Современные методы преподавания в вузах. - Т.: 2001.

Қурбонов Ш, Сейтхалилов Э. Узлуксиз таълимда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели. - Т.: Шарқ, 2000.